



---

**COURSE: MANAGERIAL ACCOUNTING  
LECTURE 12. FINANCIAL STATEMENT ANALYSIS**

**LECTURER: XUSAINOV SH. PhD**

---

**“БОШҚАРУВ ҲИСОБИ” - ФАНИ  
12 – МАВЗУ. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ТАҲЛИЛИ**

**ХУСАИНОВ ШАВКАТ, и.ф.н., доцент**

---

**Маълумот учун:** барча маъруза тезисларида, тақдимотларда “Cost Accounting: A Managerial Emphasis” (муаллифлар Horngren T. Ch., Datar S.M., Rajan M.V.), “Managerial Accounting” (муаллифлар Ray H. Garrison, Eric W. Noreen, Peter C. Brewer), “Boshqaruv hisobi” (муаллифлар А.Пардаев, Б.Пардаев, Б.Хасанов, З.Ғаниев ва бошқалар) китоблари материалларидан фойдаланилган, мазкур китоблар фаннинг асосий дарсликлари дидир, аммо бошқа турли интернет манбаларидан ҳам фойдаланилади.

**Мавзу саволлари:**

- 1. Корхонанинг молиявий ресурсларини самарали бошқаришда молиявий таҳлил.**
- 2. Молиявий таҳлил корхонани стратегик бошқарув тизимининг муҳим элементи.**
- 3. Таҳлил турлари ва молиявий коэффицентлар кўрсаткичлари.**
- 4. Корхоналарда молиявий таҳлилни ташкил қилиш.**

**1. Корхонанинг молиявий ресурсларини самарали бошқаришда молиявий таҳлил**

Корхонанинг молиявий ресурсларини самарали бошқариш молиявий таҳлил таомилларини ўтказиш орқали баҳоланади. Молиявий таҳлил тушунчаси жуда кенг изоҳланади ва бошқа кўплаб фойдаланадиган ибораларга, масалан, бухгалтерия ҳисоби кабиларга нисбатан бир хил маънода шарҳлана олмайди. Молиявий таҳлил деганда кенг маънода бу сўзларни «молиявий ҳарактер маълумотларига асосланувчи бир қанча тадқиқот объектларига нисбатан аналитик процедураларнинг ҳаммаси» деб тушуниш мумкин.

Корхонанинг молиявий ресурсларини самарали бошқариш молиявий таҳлил қилиш жараёнида бир қатор саволларга жавоб излаш керак бўлади.

Корхоналар фаолиятини режалаштириш ва молиялаштиришдаги асосий муаммолар нималар иборат?

- аниқ стратегик мақсадларнинг етишмаслиги, менежмент ўртасида корхона вазифасини тушунмаслик;



- корхонанинг долзарб ресурсларга (одамлар, салоҳият, молия ва бошқалар) бўлган ҳақиқий эҳтиёжларини аниқлашдаги қийинчиликлар;
- мақсадларни мустақил белгилаш, ҳаракатларни режалаштириш ва бозор шароитида ресурсларни жалб қилиш бўйича тажрибанинг етишмаслиги.
- мавжуд бошқарув ҳисоби тизимининг камчиликлари;
- операцион режалаштириш ва бошқаришнинг эскирган усуллари;
- замонавий режалаштириш услубларига эга малакали кадрларнинг етишмаслиги;
- корхоналарда ахборот технологияларининг ривожланиш даражаси етарли эмас.

Корхоналар фаолиятини режалаштириш тизимининг камчиликлари санаб ўтинг?

- кўпгина режалаштириш ва иқтисодий ҳужжатларнинг шакллари молиявий таҳлил қилиш учун ноқулайдир.
- режалаштириш жараёни анъанавий равишда маълум бир маҳсулот учун бозор эҳтиёжларини ўрганишдан эмас, балки ишлаб чиқаришдан бошланади.
- режалаштиришда харажатли нархлаш механизми устунлик қилади: нарх ушбу маҳсулотга бўлган талабни ҳисобга олмаган ҳолда, умумий харажат ва рентабеллик даражаси асосида шаклланади.
- харажатларни ҳисоблаш маҳсулот сотилган маҳсулот бирлигига эмас, маҳсулот бирлигига ҳисоблаб чиқилади; зарарсиз сотиш таҳлили ўтказилмайди.
- иқтисодий режалаштириш молиявий режалаштиришга киритилмайди ва шунинг учун корхона фаолиятини молиялаштириш зарурлигини аниқлашга имкон бермайди.
- мавжуд режалаштириш тизими билан молиявий барқарорлик чегарасини аниқлаш, ўзгарувчан фаолият шароитида корхонанинг молиявий барқарорлигини сценарий таҳлилин ва таҳлилин ишончли ўтказиш мумкин эмас.

Молиявий режалаштириш ва молиявий таҳлил бир бирини тўлдириувчи жараёндир ва қуйидаги тартиблардан иборатдир:

- компания учун мавжуд бўлган инвестиция ва молиявий имкониятларни таҳлил қилиш;
- кутилмаган ҳодисалардан қочиш ва амалдаги ва келгусидаги қарорлар ўртасидаги муносабатни тушуниш учун жорий қарорларнинг оқибатларини башорат қилиш;
- танланган вариантни бир қатор мумкин бўлган ечимлардан асослаш (ушбу вариант режанинг якуний версиясида тақдим этилади);
- корхона томонидан эришилган натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш ва уларни молиявий режада белгиланган мақсадлар билан таққослаш.

Режалаштириш молия менежерини компаниянинг муваффақиятига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган воқеаларни ўрганишга ва кутилмаган



ҳолатлар учун стратегияларни захира қилишга мажбур қилади. Режалаштириш молиявий менежерни инвестиция ва молиявий қарорларнинг жами самарасини кўриб чиқишга мажбур қилади.

Молиявий режалаштириш корxonанинг умумий стратегияси, бизнес режалари, ишлаб чиқариш, маркетинг, илмий-техник ва бошқа режалар билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак. Ишлаб чиқариш ва маркетинг ечимлари пайдо бўлмагунча, ҳеч қандай молиявий прогнозлар амалий аҳамиятга эга бўлмайди. Маркетинг мақсадларига эришиб бўлмайдиган бўлса, молиявий режалар ҳақиқий эмас бўлади. Мақсадли молиявий кўрсаткичларга эришиш шартлари узок муддатда корхона учун фойдасиз бўлса, молиявий режалар қабул қилиниши мумкин эмас.

## **2. Молиявий таҳлил корxonани стратегик бошқарув тизимининг муҳим элементи**

Молиявий таҳлил корxonани стратегик бошқарув тизимининг муҳим ва сўзсиз зарур элементи ва молиявий таҳлилининг ўз тизимидаги энг муҳим бўлими, ҳар қандай иқтисодчи ва молиячи фаолиятидаги бўлиши лозим бўлган процедура ҳисобланади. Таъкидлаш зарурки, корxonанинг молиявий ҳолати, моҳиятан бу унинг ташқи иқтисодий муҳитидаги фаолиятига энг муҳим тавсифномадир. У корxonанинг рақобат устуворлигини, унинг ишчанлик (ишда) ҳамкорлигини амалга ошириш имкониятларини белгилайди, корxonани ўзининг, шунингдек, унинг ҳамкорларининг иқтисодий манфаатлари кафолатларини баҳолашга имкон беради. Корxonанинг молиявий ҳолати унинг фаолиятининг якуний натижаларини акс эттирувчи ва турли гуруҳдаги фойдаланувчиларни қизиқтирувчи кўрсаткичларнинг маълум жамланмасини характерлайди.

Таҳлилнинг бош мақсади қуйидагилардан иборат:

- молиявий фаолиятда ўз вақтида камчиликни аниқлаш ва тугатиш, яхшилаш учун резервлар излаб топиш ва тўловга лаёқатликни таъминлаш;
- молиявий ресурслар тушуми режасини бажаришни баҳолаш, уларни молиявий фаолиятни яхшилаш учун фойдаланиш;
- кутилаётган молиявий натижаларни прогноз қилиш;
- молиявий фаолиятни мустаҳкамлашга йўналтирилган аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш.

Молиявий таҳлилнинг аҳамияти шундаки, ушбу таҳлил натижалари корхонадаги ишлар аҳволинининг ўзига хос индикатори ҳисобланади ва раҳбариятга унинг асосида молиявий аҳволини яхшилаш ва унинг хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича айнан бир хил қарорлар қабул қилишга имкон беради. Молиявий таҳлилнинг предмети корxonанинг молиявий муносабатлари, унинг иқтисодий потенциали (пул ифодасидаги ресурслар ва уларнинг шаклланиш манбалари) ва пул ресурсларидан фойдаланиш натижалари ҳисобланади. Таҳлилнинг умумий кўринишдаги мақсади корхона жорий молиявий аҳволининг объектив, тўлиқ ва аниқ кўринишни олиш ва узок



муддатли ва қисқа муддатли истиқболдаги эҳтимолий ўзгаришларини баҳолашдир.

Фаолият самарадорлиги молиявий кўрсаткичлари турли қарашларда турлича бўлиши мумкин. Мисол учун:

Менежерлар:

- ишлаб чиқариш фаолияти таҳлили;
- ресурсларни бошқариш;
- даромадлилик.

Мулкдорлар:

- фойдалилик;
- фойдани тақсимлаш;
- бозор кўрсаткичлари.

Кредиторлар

- ликвидлилик;
- молиявий леверидж;
- қарз хизмати.

Корхонанинг ҳар бир аниқ контрагент билан муносабатлари турига кўра (инвестицияли, кредиторлик, бошқалар) молиявий таҳлилнинг аниқ мақсадлари турлича бўлади. Кредитор учун бу мақсад-кредит қобилиятини аниқлаш, инвестор учун- инвестицион жалб этувчанлигини аниқлаш в.х. Таҳлил мақсадларининг фарқлари унинг ахборот базаси ва ўтказиш услуби фарқини олдиндан аниқлайди (белгилайди).

### **3. Таҳлил турлари ва молиявий коэффицентлар кўрсаткичлари**

Таҳлил ўтказиладиган мақсадларга боғлиқ ҳолда ташқи ва ички молиявий таҳлил ажратилади.

Ташқи таҳлил инвесторлар, моддий ва молиявий ресурсларни етказиб берувчилар, назорат органлари томонидан эълон қилинган ҳисоботлар орқали ўтказилади. Мақсад максимум фойдани таъминлаш ва йўқотишлар рискинни истисно қилиб, маблағларни мақсадли йўналтириш имкониятларини аниқлаш ҳисобланади. Ички таҳлил, қоидага кўра, фақат ушбу корхона раҳбари томонидан қарор қабул қилиш учунгина қўлланилади, ваҳоланки, ташқи таҳлил билан қолган ҳамма қизиқувчи шахслар шуғулланиши мумкин. Ички таҳлил ташқи таҳлилга нисбатан анча кенг ахборот базасига асосланади, натижаларнинг ўта ишончлилигини таъминлайди.

Таҳлилнинг асосий турлари қуйидагилар ҳисобланади:

- горизонтал (вақтинчалик) - ҳисоботнинг ҳар бир позициясини о'тган даврдагига таққослаш;
- вертикал (тузилмавий) - ҳисоботнинг ҳар бир позициясини натижага яхлит ҳолда таъсир этишини аниқлаш билан якуний кўрсаткичларининг тузилишини аниқлаш;



- трендли (горизонтал таҳлилнинг турли хилидан ҳисобланади) - бу таҳлилнинг ҳисоботининг ҳар бир позицияси аввалги даврнинг кўрсаткичлари қатори билан таққосланиб корxonанинг аниқ даврда тасодифий таъсирларидан тозаланган ва функцияланишининг ўзига хос хусусияти (кўрсатилган) кўрсаткичлари ривожланишининг асосий тенденциялари (стренд) аниқланадиган тури.

Тренд таҳлили - истиқбол таҳлилининг бир қисми, у молиявий менежментни бошқариш учун муҳим. Корxonанинг имкони бўлган истиқболдаги ривожланиш графиги таҳлил қилинади. Ўртача йиллик ўсиш сураъти аниқланади ва кўрсаткичнинг башоратдаги аҳамияти ҳисоблаб чиқилади:

- баланс валютаси динамикасини корxона активлари ва пассивлари структурасининг таҳлили жорий молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун ҳам, истиқболга бошқарув қарорини қабул қилиш ҳам зарур бўлган қатор муҳим хулосалар чиқаришга имкон беради;

- молиявий коэффицентлар таҳлили (мутлақ (абсолют) кўрсаткичлар асосида нисбий кўрсаткичлар ҳисоб-китоби)-молиявий коэффицентлар мутлақ кўрсаткичлар қўллаш шунингдек, вақтинчалик қирқимдан қатъий назар, турли корxonалар фаолияти натижаларини таққослашга имкон беради;

- солиштирма (таққослама) таҳлил фирма ҳисоботининг алоҳида кўрсаткичларини шўъба фирмалар, бўлимлар, тцехлар кўрсаткичлар билан, рақобатчилар, ўртача тармоқ ва ўртача умум иқтисодий кўрсаткичлар, ўтган даврларнинг мос келувчи кўрсаткичлар билан таққослаш (солиштириш)да ўтказилади;

- омилли таҳлил (алоҳида омилларнинг натижавий кўрсаткичга таъсирини баҳолаш) алоҳида омилларни натижавий кўрсаткичларга, уни таркибий қисмларга бўлинишининг тўғридан-тўғри методи билан ҳам, элементлар умумий натижавий кўрсаткичга қўшиладиган тесқари метод билан ҳам таъсирини баҳолаш имконини беради.

Таҳлилнинг бу турларидан корxonанинг молиявий ҳолатини умумлашма кўрсаткичларининг шаклланишини кузатувчи таҳлилнинг ҳамма босқичларида фойдаланилади. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект учун молиявий ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонларига эга бўлган ҳолга ўзининг хусусий «аҳволини» мунтазам кузатиб бориш муҳим, молиявий ҳолатнинг таҳлили эса корxonани ваколатли бошқаришнинг зарур шартлари, асосланган режалаштиришнинг объектив дастлабки шarti (нуқтаи назари) ва молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланишдир. Баланснинг горизонтал таҳлили мутлақ баланс кўрсаткичлари ўсиш (пасайиш)нинг нисбий суратлари билан қўшимча тўлдириладиган бир ёки бир нечта аналитик жадвал кўринишидан иборат.

Қоидага кўра, алоҳида баланс моддалари ўзгаришини таҳлил қилишга, шунингдек, уларнинг қийматини башоратлашга имкон берувчи қатор йиллар учун базис суръатлари (аралаш даврларга) олинади. Навбатдаги аналитик процедура вертикал таҳлил - молиявий ҳисоботни нисбий ко'рсаткичлар



ко'ринишида бошқача тақдим этиш ҳисобланади. Бундай кўриниш балансинг ҳар бир моддасини на солиштирма оғирлиги унинг умумий натижаларида кўришга имкон беради. Таҳлилнинг зарур элементи бу микдорларнинг динамик қаторлари бўлиб, унинг воситасида активлар таркибидаги ва уларнинг қоплаш манбаларидаги тузилмавий ўзгаришларни кузатиш ва башоратлаш мумкин. Шу тариқа вертикал таҳлилнинг иккита асосий жиҳатларини ажратиш мумкин:

- нисбий кўрсаткичларга ўтиш корxonанинг тармоққа оид ўзига ҳослиги ва бошқа жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда солиштирма таҳлил ўтказишга имкон беради;

- нисбий кўрсаткичлар молиявий ҳисоботлар мутлақ кўрсаткичларни жиддий ўзгарадиган инфляция жараёнларнинг салбий таъсирларини тартибга солади ва бу билан уларни динамикада таққослашни қийинлаштиради.

Горизонтал ва вертикал таҳлиллар ўзаро бир-бирини тўлдиради, шунинг учун амалиётда ҳисоботнинг бухгалтерия шакллари хам, унинг алоҳида кўрсаткичлар динамикасини хам тузилиши сифатида тавсифловчи аналитик жадвални кўриш мумкин. Деталлаштирилган (тафсилотларга ажратилган) таҳлил молиявий ҳолатга анча чуқур баҳо беради. Корxonанинг молиявий ҳолати маблағлар (активлар) ва уларнинг шаклланиш манбалари (ўз капитали ва мажбуриятлари яъни пассивлар) жойлаштириш ва фойдаланишни тавсифлайди ҳамда ушбу маълумотлар корxона балансида акс этирилади. Ушбу тур таҳлилнинг бориши давомида корxonанинг тўлов қобилияти -асбоб ускуналар, хом ашё ва материалларни хўжалик шартномасига мос ҳолда етказиб берувчиларнинг тўлов борасидаги талабларини қондира олишлари, кредитни қайтариши, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаши, бюджетга тўловлар келиб тушиши кабилар аниқланади. Тўлов қобилияти активларни тезкор нақд пул маблағларига айлана олинишини тавсифловчи ликвидлилик кўрсаткичлари асосида аниқланади.

Молиявий кўрсаткичларни гуруҳлаш мумкин:

Ликвидлик кўрсаткичлари - Қисқа муддатли мажбуриятларни тўлай олиш лаёқатини характерлайди.

Қоплаш коэффиценти =	Жорий активлар
	Жорий мажбуриятлар
Муддатлилик ликвидлиги =	Жорий активлар - ТМЗ
	Жорий мажбуриятлар

Активларни бошқариш сифати кўрсаткичлари - Активлардан самарали фойдаланишни характерлайди.

ТМЗ айланувчанлиги =	Савдо ҳажми
	ТМЗ
Инкассациянинг ўртача даври =	Дебиторлик қарзи



	Ўртача савдо ҳажми (йиллик савдо/360)
Асосий воситалар айланувчанлиги =	Савдо ҳажми
	Асосий воситаларнинг соф (қолдиқ) қиймати
Жами активлар айланувчанлиги =	Савдо ҳажми
	Жами активлар

Фойдалилик кўрсаткичлари - Корхона фаолиятининг самарадорлигини характерлайди.

Савдонинг фойдалилиги =	Оддий акциядорлар соф фойдаси
	Савдо ҳажми
Активларнинг базавий = фойдалилиги	Соф операцион фойда
	Жами активлар

Жами активлар даромадлиги =	Оддий акциядорлар соф фойдаси
	Жами активлар

Ўзлик капиталининг даромадлиги =	Оддий акциядорлар соф фойдаси
	Оддий акциядорлар капитали

Қарз муносабатларини назорат қилиш ва тартибга солиш кўрсаткичлари - Компанияни молиялаштиришда қарз маблағлари ҳиссасини характерлайди.

Қарз коэффиценти =	Жами қарзлар
	Жами активлар
Кредитлар бўйича фоизларни таъминланиши коэффиценти =	Фоиз ва солиқ тўлангунча бўлган фойда
	Фоиз тўловлари

Доимий харажатларни қоплаш коэффиценти =	Фоиз ва солиқ тўлангунча бўлган фойда + Ижара тўловлари
	Фоиз тўловлари + Ижара тўловлари

Бозор қиймати кўрсаткичлари - Инвесторлар учун компаниянинг жалбкорлигини характерлайди.

Баҳонинг фойдага нисбати =	Акциянинг баҳоси
	Бир акцияга тўғри келадиган фойда
Акциянинг баланс қиймати =	Оддий акциядорлар капитали



## Муомаладаги акциялар

### **4. Корхоналарда молиявий таҳлилни ташкил қилиш.**

Корхоналарни молиявий таҳлилнинг ташкил қилиш куйидаги босқичлардан иборат:

I. Объект бўйича ахборот тўплаш ва тайёрлаш;

II. Таҳлилий қайта ишлаш, кўрсаткичларни ҳисоблаш, уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

III. Натижаларни талқин қилиш, тўсиқлар ва захираларни аниқлаш, дастлабки маълумотларнинг спецификацияси;

IV. Хулоса ва таклифлар тайёрлаш;

V. Корхона самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Таҳлилнинг икки модулли структураси:

Экспресс-таҳлилнинг мақсади - иқтисодий субъектнинг молиявий фаровонлиги ва ривожланиш динамикасини кўргазмали ва содда баҳолаш.

- *Биринчи* босқичнинг мақсади - молиявий ҳисоботларни таҳлил қилишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиш ва уларни ўқишга тайёр эканлигига ишонч ҳосил қилиш.
- *Иккинчи* босқичнинг мақсади бухгалтерия балансига тушунтириш ёзувлари билан танишишдир.
- *Учинчи* босқичнинг мақсади - иқтисодий фаолият натижалари ва объектнинг молиявий ҳолатини умумлаштирилган баҳолаш.

Молиявий ҳолатнинг деталлашган таҳлили:

Унинг *мақсади* - хўжалик юритувчи субъектнинг мулкӣ ва молиявий ҳолатини, ўтган ҳисобот давридаги фаолияти натижаларини, шунингдек, субъектнинг ривожланиш истиқболларини батафсилроқ тавсифлайди. У айрим экспресс-таҳлил процедураларини конкретлаштиради, тўлдиради ва кенгайтиради.

I. Хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий ва молиявий аҳволини олдиндан кўриб чиқиш;

II. Хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий ва молиявий аҳволини олдиндан кўриб чиқиш;

III. Хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий ва молиявий аҳволини олдиндан кўриб чиқиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Cost Accounting: A Managerial Emphasis / Horngren T. Ch., Datar S.M., Rajan M.V. / Published by Pearson, 2015

2. Managerial Accounting. 17th Edition / Ray H. Garrison, Eric W. Noreen, Peter C. Brewer / Published by McGraw-Hill Education, 2021



3. Management accounting Information for Decision-Making and Strategy Execution. 6th Edition Anthony A. Atkinson, Robert S. Kaplan, Ella Mae Matsumura. Madison S. Mark Young / Published by Pearson, 2012
4. Boshqaruv hisobi / Pardayev A., Pardayev B. / T.: G'.G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi., 2019
5. Boshqaruv hisobi /Israilov R.I., Maxsudov B.Yu.. / T.: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2020
6. Boshqaruv hisobi. O'quv qo'llanma / B.A.Xasanov, Z.U.G'aniyev, M.A.Muxamedova / - T.: «Moliya», 2018 - 274 b.
7. Финансовый менеджмент: теория и практика / Ковалев В.В. / М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2007. – 1024 с.
8. Moliyaviy menejment. Darslik / Burxanov A.U., Hamdamov O.N. / T.: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2020, 468 bet.
9. Fundamentals of Financial Management. 15th Edition / Eugene F. Brigham, Joel F. / Published by Houston Cengage Learning, 2021